# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2014 йил — Соғлом бола йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2014-YIL 24-YANVAR, JUMA, 11 (8248)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




**Дарахтлар остига берилган чилла суви аслида яхоб суви ҳисобланади. Боғбонлар бирор йил боғларга чилла бермай қолмаган. Чилла суви ичган майдонларда ҳашаротга қирон келади, бегона ўт уруғларининг кўп қисми йўқолиб кетади...**

2



**Кейинги йилларда Бухоро вилоятида ҳам аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда вилоятда 278 та йўловчи ташиш йўналишлари мавжуд. Уларнинг 61 таси шаҳар ичи, 205 таси шаҳар атрофи, 12 таси шаҳарлараро йўналишлардир. Бу йўналишларда 455 та автобус, 1715 та микроавтобус хизмат кўрсатади.**

3



**Жорий мавсумда таркибини янада кучайтирган ҳолда чемпионликка даъвогарлардан бўлиши кутилаётган мамлакатимиз Олий лигаси жамоаси "Локомотив" (Тошкент) Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказмоқда. Йиғин давомида "Локомотив" навбатдаги назорат учрашувини ўтказди.**

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасида "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида"ги халқаро конвенциянинг ўзбек тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди.

► **Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали базасида янги ўқув-услубий марказ фаолиятини бошлади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу марказ врачлар, акушер-гинекологлар, ҳамшираларнинг билим ва малакасини оширишига хизмат қилади.**

► Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги "Фарҳод" маҳалласида барча шароитларга эга замонавий спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мажмуада енгил атлетика, футзал, бокс, бадиий гимнастика билан мунтазам шуғулланиш имконияти яратилган.

► **Чиноз туманида замонавий типда барпо этилган спорт майдончаси фойдаланишга топширилди. Ушбу спорт майдончасида чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм аскарлари, уларнинг оила аъзолари, шунингдек, маҳаллий аҳоли фарзандларининг спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.**

► Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги "Чўмич" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган намунавий лойиҳадаги турар-жойлар яқинида 500 кишига мўлжалланган "Фаровон" маросимлар уйи ишга туширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси

**Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг устувор йўналишларидандир. Бу борада амалга оширилаётган изчил ишлар бераётган юксак самаралар Оролбўйи бирламчи шифо масканлари фаолиятида ҳам ўзининг яққол ифодасини топаётир.**



## ИЗЧИЛ ИШЛАР САМАРАСИ

Тахтакўпир туманидаги «Муйтен овул» қишлоқ врачлик пункти «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳалари бўйича замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Бирламчи шифо масканида тиббий кўрик, биринчи тиббий ёрдам, амбулатор шароитда даволаш, эмлаш каби тадбирларни олиб бориш учун барча қулайликлар яратилгани 2334 нафар аҳоли, айниқса, туғиш ёшидаги аёллар, шунингдек, барча болалар ва ўсмирлар саломатлигини сифатли таъминлашга хизмат қилаётир.

Пункт ходимлари таълим масканлари ва маҳаллаларда бўлиб оилада тиббий маданиятни ошириш, қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳнинг салбий оқибатлари борасида тушунтириш ишларини мунтазам олиб бораётир.

**СУРАТДА:** *«Муйтен овул» қишлоқ врачлик пункти мудираси Олмагул Пиржонова.*

**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

▼ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## АГРАР СОҲА УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан ўтган йилда амалга оширилган ишлар ҳамда келгусидаги долзарб вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда депутатлар, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши ҳамда соҳага тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Б.Алихонов, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси М.Тешабоев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз аграр соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлашди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш жараёни унинг мустаҳкам қонунчилик базасини яратиш вазифасини қўймоқда. Бугунги кунда республикамиз аграр соҳасини ислоҳ қилиш билан боғлиқ бўлган 17 та асосий Қонун ҳамда улар асосида қабул қилинган 110 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари ва қатор меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилган ҳамда давр талабидан келиб чиқиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш нуқтаи назаридан янада такомиллаштирилиб борилмоқда.

Ана шундай ишлардан келиб чиққан ҳолда ўтган 2013 йилда ҳам қонун ижодкорлари қатор ишларни амалга оширдилар. Хусусан, Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиққан ҳолда Солиқ Кодекси, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Айни пайтда "Ветеринария тўғрисида"ги (янги таҳрирда), "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, "Асаларичилик тўғрисида"ги, "Қишлоқ хўжалигида кооперация тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини тайёрлаш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Йил давомида қўмита томонидан аграр соҳага оид ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаб бориш, қонун ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этишнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларни такомиллаштиришга бағишлаб турли шаклдаги тадбирлар-коференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилди. Уларда аграр ва сув хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишни таъминлашга қаратилган 50 дан ортиқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Анжуманда соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштиришда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

▼ ҚАРОР ВА ИЖРО

## ЮРТ ХИЗМАТИ — ШАРАФЛИ БУРЧ

**Ўзбекистон миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан Президентимизнинг 2013 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш масалалари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа тегишли ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда муддатли ҳарбий хизмат тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар миллий армиямиз сафларини ҳар томонлама етук, жисмонан бақувват, интеллектуал жиҳатдан салоҳиятли ҳарбий хизматчилар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг йилига бир марта февраль-март ойларида амалга оширилаётгани мазкур йўналишда изчил равишда давом этиб келаётган ислоҳотларнинг узвий давоми бўлди.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимларида чақирув олди тадбирлари ўтказилмоқда. Ташкил этилган 14 та йиғин ва 189 та чақирув пунктларида барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирларда ўзини ўзи бошқариш органлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Анжуманда яратилаётган имкониятлар ёшларда ҳарбийликка бўлган қизиқишни ошираётгани, уларни йигитлик бурчини шараф билан ўташга ундаётгани алоҳида таъкидланди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

**Камола МУҲАММАДОВА, "Qishloq hayoti" мухбири.**




Тошкент вилояти

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲА

*Мамлакатимизда саноатни ривожлантириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётгани боис, қишлоқ ҳудудларида барпо этилаётган кичик корхоналар сони тобора ошяпти.*

Бўка туманида ана шундай мўъжаз корхоналардан бири иш бошлади. Истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, пировардида, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ мойли экинлар донидан ёғ ишлаб чиқарувчи ушбу кичик корхона йигирма тўрт нафар йигит ва қизларни муқим иш билан таъминлади.

– Корхона замонавий технологиялар билан жиҳозланди, – дейди корхона раҳбари Анвар Рўзиев. – Бу янги технология йилига тўрт минг тонна хомашёни қайта ишлаш қувватига эга. Аҳоли эҳтиёжи учун сифатли ўсимлик ёғи етказиб бериш билан бирга, чорва учун тўйимли озуқа ҳам тайёрланади. Асосийси, барпо этилган янги иш ўринларига фақат ёшлар жалб қилинди. Келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини босқичма-босқич орттириб бориш билан ишчилар сонини ҳам кўпайтиришни режалаштирганмиз.

Корхона жамоаси шу кунларда фермерлар билан такрорий экин сифатида етиштириладиган мойли экинлар ҳосили учун шартнома имзолашмоқда.

**Иброҳим ТОШЕВ**

Навоий вилояти

## ОИЛАВИЙ КОРХОНАДА КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ

*Навоий шаҳрида фаолият юритаётган "SURAYYO-TEXTILI" оилавий корхонасининг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, бу ерда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар аллақачон ўз харидорларини топиб улгурди.*



– Тадбиркорлик фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида 2013 йилда 12 миллион сўмлик сармоя эвазига Хитойдан 7 дона тикув дастгоҳи олиб келиб, иш бошлаган эдик, – дейди корхона раҳбари Сурайё Норбўтаева. – Натижада 6 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминладик. Ҳозирда корхонамизда бир кунда 50-60 та кийим-кечак тикилаётган бўлса, келажакда ишлаб чиқариш қувватини янада ошириб, фаолиятимизни кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этишни режалаштирганмиз.

Мазкур корхона маҳсулотларига харидор кўплиги боис, бугунги кунда чевар қизлар томонидан тикилаётган 20 турдан зиёд сифатли маҳсулотлар шаҳар аҳолисидан ташқари, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда бошқа корхона ва ташкилотларга буюртма асосида етказиб беріляпти.

**Маърифат ШАРИПОВА**

Андижон вилояти

## ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

*Хўжаобод тумани "Бирлашган" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Шоҳнурдавртекстил" масъулияти чекланган жамиятида йилига 50 минг дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.*

Банк кредити эвазига олиб келинган замонавий тикув машиналари иш суръати ошишига ва янги иш ўринлари яратилишига омил бўлди.

– Илғор ускуналарни бошқариш учун 20 нафар ишчи-мутахассис жалб этдик, – дейди корхона раҳбари Абдулҳай Каримов. – Уларнинг 8 нафари коллеж битирувчиларидир.

Ҳозирда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 60 фоизи экспорт қилинмоқда.

**Отабек УМАРОВ**

Андижон Вилояти

▼ КЕНГАШНИНГ ХАЙРЛИ ИШИ

# ТАЖРИБА АЛМАШИШ – МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

**Яқинда Бухоро вилояти Фермерлар кенгаши раиси Шавкатбек Мавлонов раҳбарлигида бир гуруҳ бухоролик фермерлар водийдаги ҳамкасблари ҳузурида бўлишди. Хусусан, улар андижонлик фермерлар иш тажрибалари билан ўртоқлашди. Фермерлик ҳаракатининг самаралари ва истиқболлари хусусида фикр алмашишди.**

Балиқчи туманидаги "Эргашали Усмон боғи" фермер хўжалиги фаолияти бухоролик фермерларда катта таассурот уйғотди. Ушбу хўжалик кўп тармоқли бўлиб, бу ерда пахта, ғалла, сабзавот, мева, узум етиштирилади. Ўтган йилдан бошлаб хўжалик дала шийпонида трикотаж ҳамда қолипли нон тайёрлаш цехлари фаолият бошлади. Баҳодир Усмонов бошлиқ мазкур хўжаликда ғалла ҳосилдорлиги гектарига 70-80 центнерга тўғри келмоқда. Пахта етиштиришда эса бир терим билан ҳосилдорликни 45 центнердан ошириш анъанага айланган. Пахта йиғиб-териб олиниши биланоқ дала тозаланиб, сўнгра ғалла экиляпти. Якунланган йилда 20 гектар ерда ғўза парвариш қилган фермер август ойининг учинчи ўн кунлигида дефолиация ўтказиб, сентябрь ойининг охирида кўсаклар юз фоиз очилганда теримни амалга оширди. 2014 йили ғўза парваришланиши режалаштирилган дала чуқур шудгор қилинди, жорий текисланди, сўнгра пушта олиниб, бостириб сув оқизилди. Сувга қонган пуштага экилган чигит текис кўчат беради.

– "Эргашали Усмон боғи" фермер хўжалигида иш юритишда аниқлик устувор экан, – дейди Ромитан туманидаги "Бўйрабоф" фермер хўжалиги раҳбари Мирзо Боқиев. – Бу бизда ҳавас уйғотди. Кўркам ва баҳаво дала шийпонидаги қолипли нон тайёрлаш ҳамда трикотаж кийимлар тикиш цехлари фермернинг қишлоқда етакчи кучга айланаётгани белгиси. Қолаверса, **пушта олиб экиш тажрибаси, унинг сувни тежашдаги аҳамияти бизда катта қизиқиш уйғотди.**

Бухоролик фермерлар яқиндан танишган Олтинкўл туманидаги "Бахт имкон ривож" фермер хўжалигида Польша, Голландия, Австрия селекциясига мансуб 900 бошдан зиёд қорамол парвариш қилинмоқда. Экин майдони чекланган шароитда фаолият олиб бораётган фермер хўжалигига Фахриддин Исмоилов раҳбарлик қилади. У асосий эътиборни чорва озуқасига қаратган. Хўжаликда ўтган йили ҳар гектар ердан 10 тоннадан озуқа — ширали, тўйимли сенаж, силос, пичан олинди. Натижада тўйимли емга бўлган эҳтиёж тўла қопланмоқда. Ҳар бош сигирдан соғиб олинаётган сут 25-35 килограммни, ёғлилик даражаси эса 4,8-5,4 фоизни ташкил этмоқда. Бунда сигирларни соғиб олиш тўла механизациялаштирилганлиги ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Бухоролик фермерлар Қўрғонтепа туманидаги "Оқсув" фермер хўжалиги фаолияти билан ҳам танишдилар. 1994 йили атиги 10 гектар тўқайзор ерда фермерликка қўл урган Алижон Аҳмедов бугун кўп тармоқли, илмий-амалий йўналишдаги хўжаликни бошқармоқда. У бошлиқ фермер хўжалиги ихтиёридаги 238 гектар экин майдонининг 75 гектарида пахта, 65 гектарида ғалла етиштирилади. Қолган ерларда озуқа ҳамда сабзавот экинлари парвариш қилинади.

Сут йўналишидаги қорамолчилик ривожланган бўлиб, хўжаликнинг қайта ишлаш корхонаси бор. Мазкур корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий харидори "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси бўлиб, олис бир қишлоқда тайёрланаётган пишлоқ минглаб йўловчиларга маъқул келмоқда.

Алижон Аҳмедов универсал фермер бўлиб, қайси ишга қўл урмасин, тажрибалар олиб боришдан чарчамайди. **Даласида ишлатилаётган кўплаб техника воситаларини айни фермернинг ўзи ихтиро этган. Ана шу ихтиролари учун 4 та патент ҳам олган. Айниқса, шудгорсиз пахта етиштириш технологияси меҳмонларда алоҳида қизиқиш уйғотди.** Ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган жўяк пуштани механизациялаштирган фермер ўн йилдан буён ҳар гектар ердан 51-64 центнергача аъло навли пахта ҳосили яратиб, рентабелликни 38-40 фоизга етказмоқда. Бундай натижа ҳар қандай фермерга қизиқ-да. Тошкентлик конструкторлар билан ҳамкорликда яратган пахта териш машинаси ҳам фермернинг ўз устида тинимсиз ишлаши белгиси.

Бухоролик фермерлар Алижон Аҳмедовнинг машина-трактор паркига ҳавас қилишди. Токарлик, фрезерлик, пайвандлаш станокларини бошқараётган ва баҳорда илк бор деҳқончиликда иштирок этиши кутилаётган янги мосламани тайёрлаш жараёни янада қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Айни вақтда фермернинг ўзи ҳам барча станокларни ишчилар қаторида яхши бошқара олади.

– Мазкур сафаримиз биз кутгандан зиёда бўлди, – дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Бухоро тумани кенгаши раиси, вилоят кенгаши депутати Ўлмас Раҳматов. – Андижонлик фермерлар тажрибаси бизда ҳавас уйғотибгина қолмади, балки ҳамиша олдинга интилиш ҳаётий ҳақиқат эканлигининг яна бир бор исботи бўлди. **Интенсив боғ ва токзорлар яратиш борасидаги дастлабки натижалар биз учун ҳам қимматлидир.** Фермер хўжаликларида тармоқларнинг кўпайиши ҳам, янгиликларга дадил қўл уриш муҳитининг мавжудлиги ҳам биз учун тажриба мактаби бўлди.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Наманган Вилояти

*Наманган вилоятида ҳам қишки агротехник тадбирлар қизғин давом эттирилмоқда. Жумладан, ариқ-зовурларни тозалаш, дала четларига маҳаллий ўғит чиқариш, экин майдонларини текислаш, ер шўрини ювиш, мавжуд техника ва механизмларни мавсумга тайёрлаш ишлари уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда.*

# ТЕХНИКАЛАР МАВСУМГА ШАЙЛАНМОҚДА

– Халқимизда "Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур" деган ҳикмат бежизга айтилмаган, – дейди вилоят машина-трактор парки бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари Маматхон ака Икромов. – Чунки, бугунги кунда деҳқончиликнинг асосий юмушларини техника ва механизмларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, ҳар бир туман машина-трактор паркларида марказлашган ҳолда таъмирлаш ишларини ташкиллаштиришга катта эътибор қаратилди. Биринчи навбатда, таъмирлашда иштирок этаётган ҳар бир техника ходимларининг моддий манфаатдорлигига аҳамият берилиб, ишчи-хизматчилар учун қулай иш шароитлари яратилди. Бу борада Норин тумани техника жиловкорлари етакчилик қилиб, мавжуд ғўза қатор ораларига ишлов берадиган 154 та чопиқ тракторини вилоятда биринчилардан бўлиб сozлаб қўйишди. Туман машина-трактор парки бошлиғи Акбарали Мавлоновнинг таъкидлашича, таъмирлаш ишларида кунига 185 нафардан ортиқ киши қатнашиб, улар томонидан нафақат чопиқ тракторлари, балки баҳорги чигит экиш мавсумида фойдаланиладиган барча техника ва механизмларни сифатли таъмирлашга эришилган. Бу борада темирчи Хайрулло Дадахонов, чилангар Зуҳриддин Хўжамбердиев, пайвандчи Турдибой Раҳмонов каби ишчи-хизматчилар ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашиб, ҳамкасбларига ибрат бўлишди.

Техникани деҳқоннинг қаноти, дейишади. Аммо йил ўтган сайин ҳар қандай янги техника эскиради, яроқсиз ҳолга келиб қолади. **Мавжуд техника ва механизмларни ўз вақтида таъмирлашдан ташқари улар сафини янгилари билан бойитиш ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади.** Жорий йилда вилоят бўйича жами 386 дона турли русумдаги қишлоқ хўжалик техникаларини сотиб олиш кўзда тутилган. Уларнинг 9 таси замонавий ғалла ўриш комбайнлари, 84 донаси юқори унумли ҳайдов тракторлари, 80 донаси чопиқ трактори ҳамда 213 донаси бошқа русумдаги қишлоқ хўжалиги техникаларидан иборат бўлиши режалаштирилган. Бундан кўзланган мақсад жорий йилда қишлоқ хўжалигининг деярли барча соҳалари бўйича улкан меҳнат муваффақиятларини қўлга киритишдан иборат.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

Қорақалпоғистон Республикаси

***Нукус мелиорация ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежида мавсумда сувдан оқилона фойдаланиш, суғориш тармоқларини доимо соз ҳолатда бўлишини таъминлашга бағишланган ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди.***

# СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссияси, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти, "Қуйи Амударё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси мутахассислари сув ресурсларидан фойдаланишдаги муҳим вазифалар, сувдан фойдаланишда тежамкор технологияларнинг афзалликлари хусусида сўз юритишди.

Жорий йилда Оролбўйида амалга оширилаётган ишларга қўшимча 215,7 километр узунликдаги магистрал ва хўжаликлараро каналлар, 742 километр узунликдаги ички суғориш тармоқлари, фермер хўжаликларининг 736 сув олиш гидропостларини таъмирлаш режалаштирилган. Бугунги кунда эса 76 километр узунликдаги магистрал ва хўжаликлараро каналлар, 1214,3 километр узунликдаги ички суғориш тармоқлари, фермер хўжаликларининг 392 сув олиш гидропостлари таъмирланди.

Тадбирда томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш, пахта далаларини эгилувчан қувурлар орқали ва эгатларга плёнка тўшаб суғориш каби илғор тажрибалардан самарали фойдаланиш борасида ҳам кенг кўламли ишлар олиб бориш зарурлиги қайд этилди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**




# ҚИШЛОҚЛАРИМИЗНИНГ ТАЯНЧ УСТУНИ

Фарғона Вилояти

▼ ҚИШ ФАСЛИ – ИШ ФАСЛИ

# ЯХОБ СУВИ БИЛАН БОҒЛАР ФАЙЗИЁБ

*Марғилон луччаги. Бу шафтоли нави туксиз, қип-қизариб пишадиган, силлиқ, ўртача катталикда бўлиб, ичи оқ-сариқ рангда бўлади. Таъми кишига лаззат берибгина қолмай, одам организмини дармондорига тўйинтиради, қонни янгилайди.*



Қўштепа туманининг маркази Лангар қишлоғи Марғилонга яқин. Бу ерда тилими тилни ёрадиган қовун навларини яратган селекционер деҳқон, осмонда парвоз қилиб юрган космонавтларга ўзи яратган қовунларидан юбориб машҳурлиги янада ошган Абдасхон ота Алигавҳаров яшаб ўтган.

Яқинда Қўштепа тумани ҳокимлиги молия бўлими мудири Акрамжон Исмоилов билан учрашиб қолдик. У туман меҳнат аҳлини, айниқса, боғбонларни яхши билар экан.

– Қўштепаликлар орасида пахтакору ғаллакорлар, соҳибкор боғбонлар, ажойиб тадбиркорлар жуда кўп, – дейди Акрамжон. – Бизда аҳоли томорқаларида ҳам, боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ҳам Марғилон луччаги деб аталган шафтоли навларидан кўп етиштирилади ва ундан яхшигина даромад олинади.

Бундай фикрни бошқа бир неча киши ҳам таъкидлади.

– Аслида вилоятимизнинг барча туманларида яратилган боғлар бир-биридан қолишмайди, – дейди туман фермерлар кенгаши мутахассиси, агроном Музаффар Йўлдошев. – Лекин баъзи туманларда қадимдан боғ яратишга астойдил киришилгани учун тажрибали соҳибкорлар ўз юртларини машҳур қилиб юборишган. Жумладан, туманимизда ҳам узумчилик ва Марғилон луччагини ривожлантиришда катта тажриба тўпланган. Марғилон луччагининг макони аслида шаҳар эмас, шу бизнинг Лангар ва унинг атрофидаги қишлоқлар ҳисобланади.

Тумандаги "Аҳроржон" боғдорчилик фермер хўжалиги раҳбари Адҳамжон Ҳожиев ҳам тажрибали боғбонлардан биридир.

– 1996 йилда фермер хўжалиги ташкил этганимизда, боғларимиз майдони 2,3 гектар эди, – дейди Адҳамжон. – Укам Аҳроржон икковимиз ишлай бошладик. 2008 йилда боғларимиз майдони 10 гектарга етди. Ўшандан буён маҳалламиздаги олти нафар йигитни ишга олиб, бирга ишлаяпмиз. Қаюмжон Фозилов, Исмоил Жалилов, Азизбек Юсупов, Иброҳимжон Фозиловлар меҳнат қилиб чиниққан йигитлар. Улар билан боғларга яхоб бердик, ҳар гектар ердаги мевали дарахт тагига 400 килограммдан минерал ўғитлар аралашмаси солдик. Маҳаллий ўғитни "шарбат" сифатида бердик.

Ана шу тадбирлар мевали дарахтлар ҳосилдорлигини оширибгина қолмай, сифатини жуда яхшилайди. Буни соҳибкорлар яхши билишади. **Дарахтлар остига берилган чилла суви аслида яхоб суви ҳисобланади. Боғбонлар бирор йил боғларга чилла бермай қолмаган. Чилла суви ичган майдонларда ҳашаротга қирон келади, бегона ўт уруғларининг кўп қисми йўқолиб кетади.**

Фермер ўтган йили олти гектар ердаги шафтолидан саксон центнердан, тўрт гектар ердаги ўрикдан тўқсон центнердан ҳосил олганини мамнун бўлиб гапирди. Бу ҳосилдан олинган соф даромад эллик миллионга бориб қолибди.

– Боғлардаги дарахтлар янгилаб турилмаса, яхши ҳосил бермайди, – дейди фермер чиройли шакл берилган янги боғларни кўрсатаркан. – Ўтган йилгача мевали дарахтларимиз саксон фоиз гуллаган пайтда кимёвий усул билан ишлов берардик. Энди биологик усулни қўллашга шайланиб турибмиз. Кимёвий усулда зараркунандалар билан бирга фойдали ҳашаротлар ҳам қирилиб кетаркан. Бир ҳафтадан кейин зарарли ҳашаротлар яна кўпая бошлайди, аммо фойдалиларининг кўпайиши қийин бўлади.

Ҳа, ишнинг кўзини биладиган боғбонларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан боғларимиз яшнаб, дастурхонларимиз тўкин бўлмоқда. Изланиб, имкон топаётган соҳибкорларнинг фидокорона меҳнати билан дастурхонимиз янада тўкин бўлаверади.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ**

Қашқадарё Вилояти

# ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ФЕРМЕР

**Ўтган йил Касби туманидаги "Шоназар ота Авазмуродов" фермер хўжалиги фаолиятида юксалиш даври бўлди. Пахтадан 45 центнердан, ғалладан эса 68 центнердан ҳосил олинди. Техника парки хориждан келтирилган "ЮТО" русумли ҳайдов, "ТТЗ-80-11" русумли чопиқ трактори ҳисобига бойиди. Бир дона прицеп, лизинг асосида пушта олиш механизми харид қилинди. Фермер хўжалиги аъзолари сони 40 нафарга етди.**

– 2013 йил 27 сентябрь ҳаётимизда ўчмас из қолдирди, – дейди фермер Сирожиддин Шоназаров. – Шу куни давлатимиз раҳбарининг далаларимизда бўлиб, берган қимматли маслаҳат ва йўл-йўриқлари бизни ниҳоятда руҳлантирди. Айниқса, ҳар қарич ердан, сувдан унумли фойдаланиш, кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил этиш, қишлоққа саноатни олиб кириш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш ҳақида айтган сўзлари дунёқарашимизни янада бойитди. Президентимизнинг чорвачилик, паррандачиликни ривожлантириш бўйича йўл-йўриқлари ҳам кўнглимизни тоғдек кўтарди.

Айни пайтда фермер хўжалиги далаларида буғдойнинг "Краснодар-99" нави меҳр билан парвариш қилиняпти. Ҳар гектар майдондаги ғалла майсалари ҳозиргача 150 килограммдан аммофос, 8 тоннадан маҳаллий ўғит билан озиқлантирилди. Экиннинг ҳолати ўтган йилгига нисбатан яхши. 70 центнерлик юксак аҳдни уддалаш учун барча имкониятлар мавжуд.

**30,7 гектар майдонда ғўзанинг "Бухоро-8" навини экиш учун эса ҳозирданоқ пухта тараддуд кўриляпти.** Далага қўшимча маҳаллий ўғит ташиб чиқариляпти. Ички сув йўллари тартибга келтирилмоқда. Мавжуд техникалар мавсумга шай ҳолатда. 6 гектар майдондаги ернинг шўри ювиляпти. Экин ерлари қишнинг чилла сувига қондирилмоқда. Шу тариқа эрта баҳорда тўлиқ кўчат ундириб олиш имконияти яратиляпти. Бундан ташқари, 500 метрлик дренаж тармоқлари ҳам тартибга келтириляпти.



– Замонавий чорвачилик мажмуаси қурилишини ниҳоясига етказяпмиз, – дейди иш юритувчи Зафар Ҳамроев. – Унда зотли молларни парваришлаймиз. Мажмуа ишга тушса, касб-ҳунар коллежларининг 12 нафар битирувчисини иш билан таъминлаймиз. Шунингдек, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик тармоқларини ташкил этмоқчимиз. Гўшт ва сутни қайта ишлайдиган технология олмоқчимиз.

Ҳа, фермер хўжалигининг бу кенг кўламли, узоқни кўзлаб олиб бораётган ишларида ҳосилот Зафар Нафасов, механизатор Йўлдош Муродов, Зафар Имомов, сувчи Жуманазар Ҳасановларнинг муносиб улуши бор.

Фермер қишлоқдошларининг оғирини енгил қилишга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. У 10 нафарга яқин боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга моддий кўмак берди. Қишлоқдаги 41-умумтаълим мактабининг таъмирига ёрдамлашди.

**Хусан ТЕМИРОВ**

Сирдарё Вилояти

*Сайхунобод туманидаги "Мақсад" фермер хўжалиги раҳбари Абдукарим Пардабоев бир қисм тупроқни қўлга олиб, ернинг қай ҳолатдалиги, унга яна қанақа озуқа – микроэлемент зарурлигини айтиб бера оладиган тажрибали деҳқон. У бошчилигидаги фермер хўжалиги аъзолари ерни шудгорлаш, майдонларга яхоб беришдан тортиб, ғўза, ғалла парвариши даврида ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида амалга ошириб, камқувват майдонларни унумдор ерларга айлантиришди.*



# ҲАР ҚАРИЧ ЕРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

2013 йилда фермер хўжалиги аъзолари 39 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ошириб пахта ҳосили олдилар. 45 тоннага яқин пахта уруғлик учун ўтказилди. Хўжалик аъзолари кузги сабзи экишганди. Иккинчи экин ҳам миришкорларнинг даромадига даромад қўшди.

**Даромад ҳисобига фермер 2 та ҳайдов трактори, 1 та юк ташувчи транспорт, 1 та "МТЗ-80" трактори, 2 та тиркама, 1 та "НРУ-0,5" ўғит сепиш мосламаси харид қилиб, хўжаликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлади.**

Ҳалол ва самарали меҳнат Абдукарим Пардабоевни эл-юртга танитди. Истиқлол йилларида унинг кўп йиллик меҳнати муносиб баҳоланди. Ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида А.Пардабоев "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланди.

– Бу орден бутун фермер хўжалигимиз аъзоларига берилган мукофот деб ўйлайман, – дейди Абдукарим Пардабоев. – Президентимиз жойларда бўлиб, фермерлар билан учрашган чоғларида кўп тармоқли хўжаликни ривожлантириш истиқболлари ҳақида кўп гапларни айтадилар. Ҳақиқатан ҳам бугунги фермер ҳам деҳқон, ҳам раҳбар, ҳам ишбилармон ва тадбиркор бўлиши керак. Юртбошимизнинг бизга кўрсатаётган юксак эътиборидан илҳомланиб бу йил хўжалигимизда балиқчиликни ҳам йўлга қўямиз. Мўъжазгина майдонда бундан 6-7 йил илгари алоҳида тераказор барпо этгандик. Ҳозир 1000 тупдан ортиқ теракларимиз ёғочбоп материал бўлиб етилди.

Ҳар тупи қучоққа сиғмайдиган теракларни кўриб ҳавасингиз келади. Ариқлар, йўлларнинг бўйларига дарахт экиб, мўмай даромад олиш мумкинлиги эса ҳамма фермерларнинг ҳам хаёлига келавермайди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

*Фурқат ТОШМАТОВ олган сурат.*

Бухоро Вилояти

ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИ

# МАНЗИЛ ЯҚИН, МУШКУЛ ОСОН

**Ҳар биримиз эрта тонгдан ишга, ўқишга ёки бошқа бир мақсадда ўз манзилимиз сари ошиқамиз. Шундай кезларда уловнинг бўлгани соз-да! Бугун кўпчилигимиз жамоат транспортидан фойдаланишни афзал кўрамиз. Сабаби, ҳозирда аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизмати тури ва сифати талаб даражасида яхшиланди. Энг асосийси, ҳамёнбоп.**

Кейинги йилларда Бухоро вилоятида ҳам аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда вилоятда 278 та йўловчи ташиш йўналишлари мавжуд. Уларнинг 61 таси шаҳар ичи, 205 таси шаҳар атрофи, 12 таси шаҳарлараро йўналишлардир. Бу йўналишларда 455 та автобус, 1715 та микроавтобус хизмат кўрсатади.

Вилоятда йўловчи ташиш хизмати сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, айнан шу турдаги фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг автотранспорт паркларини янгилаш мақсадида йўловчи ташиш учун техник ҳолати талабга жавоб бермайдиган автоуловлар ўрнига, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 250 тадан ортиқ "ISUZU" русумли янги автобуслар харид қилиниб, йўналишларга жойлаштирилди. Биргина ўтган йилда вилоятдаги қишлоқ ҳудудларини шаҳар маркази билан боғловчи 6 та автобус ва 5 та микроавтобус йўналишлари янгидан ташкил этилиб, замонавий автобуслар билан таъминланди.




Вилоятда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган ва аҳолига намунали хизмат кўрсатаётган субъектлардан бири – "Бухоро-1 автокорхона" давлат унитар корхонасидир. 370 киши меҳнат қилаётган ушбу жамоада 170 та автобус мавжуд бўлиб, 18 та йўналиш бўйича аҳолига транспорт хизмати кўрсатилади. Уларнинг 12 таси шаҳар ичи, 3 таси шаҳар атрофи ва 3 таси шаҳарлараро йўналишдир. Корхона томонидан ўтган йил давомида "Ипотека-банк"нинг вилоят бўлимидан ажратилган 7 миллиард 43 миллион сўм кредит маблағи ва лизинг шартномаси асосида 150 та "ISUZU" русумли янги автобуслар сотиб олинди.

– Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш бўйича ўтказиладиган тендер танловларида асосий эътибор иштирокчиларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамлиги, автотранспорт воситаларининг сони, техник ҳолати каби жиҳатларига қаратилади, – дейди корхона раҳбари Комил Аҳадов. – Бизда бундай имкониятлар мавжудлиги боис, бир нечта танловда ғолиб бўлиб, ўз фаолиятимизни кенгайтириб боряпмиз. Масалан, ўтган икки йил давомида йўналишларимиз сони 8 тага кўпайди. 2012 йилда корхонамизнинг йўловчи ташиш кўрсаткичи 9 миллион 345 минг кишини ташкил этган бўлса, бу рақам ўтган йилда 22 миллион 845 кишига, автоуловларимизнинг босиб ўтган масофаси узунлиги салкам икки баробарга ортди.

Мазкур корхонада ҳайдовчи ва техник ходимлар учун дам олиш, тиббий хизмат кўрсатиш ва овқатланиш хоналари ташкил этилган. Транспорт воситаларининг иш самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган 12 та цехда эса автоуловларга зарур барча техник хизматларни кўрсатиш имкони мавжуд.



– Ўтган йил давомида 10 дан ортиқ фуқаролар томонидан миннатдорчилик хатлари олдик, – дейди корхона бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раиси Равшан Қудратов. – Уларда корхонамиз томонидан кўрсатилаётган хизмат сифатининг юқорилиги, йўналиш автобуслари аҳолининг узоғини яқин, мушкулини осон қилаётгани хусусида илиқ фикрлар билдирилган.

– Йўловчи ташиш хизматининг тўғри ташкил этилиши йўловчиларга қулайлик яратиш баробарида аҳоли ўртасида мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда муҳим ўрин тутади, – дейди Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Бухоро вилояти бўлими раҳбари Амрилло Абдуллаев. – Автоуловларимизнинг Газли, Қоровулбозор, Олот, Қоракўл туманларини шаҳар маркази билан боғлаб тургани эътиборлидир. Шу боис, жорий йилда ҳам янги йўналиш ва хизматлар ташкил этиш борасида изланишлар олиб боряпмиз.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

○ **Эълонлар**

AGROBANK

## «АГРОБАНК» ОАТБ

Марказий аппаратнинг Банк методологияси ва тренинги марказининг Методология бўлими бош мутахассиси лавозимига танлов эълон қилади.

Танловда педагогик соҳа бўйича олий маълумотли, ўзбек (кирилл ва лотин имлоси) ва рус тилини мукаммал биладиган ҳамда мазкур соҳада камида беш йил ишлаган мутахассис эълон чиққан вақтдан 1 ой давомида иштирок этиши мумкин.

**Тавсия этиладиган ҳужжатлар: резюме, диплом, меҳнат фаолиятини тасдиқловчи ҳужжат.**

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

(8-371) 150-91-11, 150-53-62.

**БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2014 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**1. Жиззах вилояти Зомин тумани Ш.Рашидов номли маҳалласидаги 25х11 м. ўлчамли ёпиқ сув ҳавзаси қурилиши.**

**Бошланғич қиймати** ҚҚСсиз 2365,844 млн. сўм, ҚҚС билан 2839,013 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** 2014 йил 1 октябргача.

**Ишларни молиялаштириш:** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачининг манзили:** Жиззах шаҳри Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 100-уй. Телефон: (8-372) 222-46-40, 222-26-41.

*Диққат! Бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан ортиқ бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектларига устунлик берилади.*

**Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган:** оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 150 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Офёрталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах шаҳри. Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 100-уй (вилоят ҳокимлиги ЯБХ инжиниринг компанияси биноси), мажлислар зали.

**ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!**

## ИКСЕЗ ТАШОБЛХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ

ПО ОБЪЕКТАМ 2-4:

**Подлот 2-1: "Строительство канализация СНП Тутзор ССГ Чоштепа Зангиатинского района Ташкентской области".**

Стартовая стоимость заказчика составляет с НДС – **295 302 399 сум.**

Стартовая стоимость заказчика составляет без НДС – **246 085 332 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **120 календарных дней.**

**Подлот 2-2: "Реконструкция водопроводных сетей КФЙ Ишчилар в г. Дустобод Куйичирчикского района Ташкентской области".**

Стартовая стоимость заказчика составляет с НДС – **405 245 048 сум.**

Стартовая стоимость заказчика составляет без НДС – **337 704 206 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **150 календарных дней.**

**Подлот 2-3: "Реконструкция водопроводных сетей ф/у Сегизбаева 6 – отд. Аккурганского района Ташкентской области".**

Стартовая стоимость заказчика составляет с НДС – **371 953 876 сум.**

Стартовая стоимость заказчика составляет без НДС – **309 961 563 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **160 календарных дней.**

**Подлот 2-4: "Реконструкция водопроводных сетей КФЙ Янги хает Янги хает махалла Ахангаранского района Ташкентской области".**

Стартовая стоимость заказчика составляет с НДС – **310 283 849 сум.**

Стартовая стоимость заказчика составляет без НДС – **258 569 874 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **110 календарных дней.**

**Источник финансирование:** государственный бюджет.

*ВНИМАНИЕ! Отбор подрядной организации для выполнения работ по строительству и реконструкции объектов со стоимостью до 500 млн. сум и капитального ремонта финансируемых за счёт средств государственного бюджета и иных централизованных источников, осуществляется исключительно среди субъектов малого бизнеса.*

**Организатор торгов:** Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

**Заказчик:** Инжиниринговая компания службы единого заказчика Ташкентского областного хокимията.

**Адрес заказчика:** г.Ташкент, проспект А.Темура 17. **Тел:** 233-06-95.

**К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования:** наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

**При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.**

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навои дом 18. 308/311 комнаты. Телефон(факс): 241-15-26, 241-15-32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации – 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент, проспект А.Темура 19.

Вскрытие оферт состоится по истечении 15 дней со дня публикации объявления.

## «EKSPRESS INFORM SAVDO» МЧЖДА 2013 ЙИЛ 20 ДЕКАБРДАН 2014 ЙИЛ 20 ЯНВАРГАЧА БЎЛИБ ЎТГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИНИНГ ЯКУНЛАРИ ҲАҚИДА ХАБАРНОМА

*«Ekspress Inform Savdo» МЧЖ тизимида Наманган вилояти Давлат мулк бошқармасининг буйруғига мувофиқ сатҳи 400 кв.м. (4-сотих)дан иборат якка тартибда уй-жой қуриш ер участкаларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ер майдонларини очиқ аукцион савдоларида сотиш бўйича:*

**2013 йил 20 декабрдаги ўтказилган очиқ аукцион савдоларида** Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани «Наврўзобод» ҚФЙ ҳудудида жойлашган бошланғич баҳоси 3 591 000 сўмлик 19 та ер участкалари жами 24 500 000 сўмга сотилди. Янгиқўрғон тумани «Поромон» ҚФЙ ҳудудида жойлашган бошланғич баҳоси 2 835 000 сўмлик 15 та ер участкалари жами 17 800 000 сўмга сотилди. Янгиқўрғон тумани «Нанай» ҚФЙ ҳудудида жойлашган бошланғич баҳоси 840 000 сўмлик 3 та ер участкалари жами 5 100 000 сўмга сотилди. Янгиқўрғон тумани «Навкент» ҚФЙ ҳудудида жойлашган бошланғич баҳоси 1323 000 сўмлик 7 та ер участкалари жами 10 100 000 сўмга сотилди. Янгиқўрғон тумани «Истиқлол» ҚФЙ ҳудудида жойлашган бошланғич баҳоси 567 000 сўмлик 3 та ер участкалари жами 3 800 000 сўмга сотилди. Наманган вилояти Учқўрғон тумани «Янгиер» ҚФЙ ҳудудида жойлашган бошланғич баҳоси 1 950 000 сўмлик 13 та ер участкалари жами 19 650 000 сўмга сотилди. Сотилган ер участкаларининг умумий майдони 24 000 кв.м.ни ташкил этди.

**2013 йил 27 декабрдаги ўтказилган очиқ аукцион савдоларида** Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани «Наврўзобод» ҚФЙ ҳудудида жойлашган бошланғич баҳоси 378 000 сўмлик 2 та ер участкалари жами 2 200 000 сўмга сотилди. Янгиқўрғон тумани «Поромон» ҚФЙ ҳудудида жойлашган бошланғич баҳоси 567 000 сўмлик 3 та ер участкалари жами 3 200 000 сўмга сотилди. Сотилган ер участкаларининг умумий майдони 2 000 кв.м.ни ташкил этди.

**2014 йил 9 январдаги ўтказилган очиқ аукцион савдоларида** Наманган вилояти Норин тумани «Сузоқовул» ҚФЙ ҳудудида жойлашган бошланғич баҳоси 400 000 сўмлик 2 та ер участкалари жами 1 000 000 сўмга сотилди. Сотилган ер участкаларининг умумий майдони 800 кв.м.ни ташкил этди.

**2014 йил 10 январдаги ўтказилган очиқ аукцион савдоларида** Наманган вилояти Учқўрғон тумани «Янгиер» ҚФЙ ҳудудида жойлашган бошланғич баҳоси 300 000 сўмлик 2 та ер участкалари жами 2 400 000 сўмга сотилди. Сотилган ер участкаларининг умумий майдони 800 кв.м.ни ташкил этди.

**2014 йил 20 январдаги ўтказилган очиқ аукцион савдоларида** Наманган вилояти Чортоқ тумани «Мучум» ҚФЙ ҳудудида жойлашган бошланғич баҳоси 1 026 000 сўмлик 3 та ер участкалари жами 3 750 000 сўмга сотилди. Сотилган ер участкаларининг умумий майдони 1 200 кв.м.ни ташкил этди.

***Лицензия RR-0086***

**ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!**

## ИКСЕЗ ТАШОБЛХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ

ПО ОБЪЕКТАМ 1-4:

**Подлот 1-1: "Строительство водопроводных сетей в ССГ Май СНП Май Кибрайского района Ташкентской области".**

Стартовая стоимость заказчика составляет с НДС – **260 326 680 сум.**

Стартовая стоимость заказчика составляет без НДС – **216 938 900 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **120 календарных дней.**

**Подлот 1-2: "Строительство водопроводных сетей ССГ Май СНП Шарк Кибрайского района Ташкентской области".**

Стартовая стоимость заказчика составляет с НДС – **360 223 100 сум.**

Стартовая стоимость заказчика составляет без НДС – **300 185 916 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **150 календарных дней.**

**Подлот 1-3: "Реконструкция водопроводных сооружений СНП Дустлик ССГ Гулобод Ахангаранского района Ташкентской области".**

Стартовая стоимость заказчика составляет с НДС – **420 360 267 сум.**

Стартовая стоимость заказчика составляет без НДС – **350 300 222 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **160 календарных дней.**

**Подлот 1-4: "Реконструкция систем водоснабжения СНП Суракент Юкоричирчикского района Ташкентской области".**

Стартовая стоимость заказчика составляет с НДС – **196 300 517 сум.**

Стартовая стоимость заказчика составляет без НДС – **163 583 764 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **110 календарных дней.**

**Источник финансирование:** государственный бюджет.

*ВНИМАНИЕ! Отбор подрядной организации для выполнения работ по строительству и реконструкции объектов со стоимостью до 500 млн. сум и капитального ремонта финансируемых за счёт средств государственного бюджета и иных централизованных источников, осуществляется исключительно среди субъектов малого бизнеса.*

**Организатор торгов:** Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

**Заказчик:** Инжиниринговая компания службы единого заказчика Ташкентского областного хокимията.

**Адрес заказчика:** г.Ташкент, проспект А.Темура 17. **Тел:** 233-06-95.

**К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования:** наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

**При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.**

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навои дом 18. 308/311 комнаты. Телефон(факс): 241-15-26, 241-15-32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации – 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент, проспект А.Темура 19.

Вскрытие оферт состоится по истечении 15 дней со дня публикации объявления.

## МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2014 йил 1 январь куниги №1 (8238) сонида Андижон вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги:

**ЛОТ 2-1.Балиқчи тумани «Чинобод» шаҳарчаси «Эшонбек» МФЙ ҳудудида жойлашган №9/2014 рақамли сув қудуғи қурилиши;**

**ЛОТ 2-2. Бўз тумани «Холдовонбек» ҚФЙ «Навоий» МФЙ «Янгиқишлоқ» ҳудудида жойлашган №8/2014 рақамли сув қудуғи қурилиши;**

**ЛОТ 2-3. Булоқбоши тумани «Булоқбоши» ҚФЙ «Гулистон» МФЙ ҳудудида №10/2014 рақамли сув қудуғи қурилиши;**

**ЛОТ 2-4. Асака тумани «Кужгон» ҚФЙ «Юқори Бўз» МФЙ «Шарқ ҳақиқати» массиви ҳудудида жойлашган №6/2014 рақамли сув қудуғи қурилиши;**

**ЛОТ 3-3. Хўжаобод тумани «Манак» ҚФЙ «Ордай» МФЙ ҳудудида жойлашган №18/2014 рақамли сув қудуғи қурилиши** объектлари лойиҳасига ўзгартириш киритилаётганлиги муносабати билан танлов савдолари вақтинча тўхтатилганлиги маълум қилинади.

"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2014 йил 14 январдаги 6 (8243)-сонида эълон чоп этилган "Наманган вилояти Наманган туманидаги "Шимолий" хўжаликлараро коллектори тизимини реконструкция қилиш" объекти бўйича бошланғич нарх 127 214 834 сўм, ишларни якунлаш муддати 3 ой деб ўқилсин.

Бозоров Ахрор Абдуқодировичга тегишли 2004 й.да Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети томонидан берилган В № 013758 рақамли диплом, Ҳарбий гувоҳнома QK № 2424071, Хитой Халқ Республикаси Хитой чет тиллари институти томонидан берилган диплом, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талони, Ўрта мактабни тугатганлик ҳақида аттестат, Тошкент вил. Ангрен т.даги Хитой тоннель қурилиш компаниясига тегишли бўлган муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (06.04.2013 й., реестр № 004762-01) рўйхатдан ўтган "PLASTIK PRODUCT GOLD" МЧЖнинг (302103185) думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Чилонзор т. ҳокимининг ТСРЎИ томонидан (04.03.2010 й., реестр № 005811-08) рўйхатга олинган "BESH-YOG"OCH" МЧЖнинг (ИНН 200799456) қарорига асосан ташкилий-ҳуқуқий шакли хусусий корхонасига ўзгартирилмоқда. Даъволар Тошкент ш. Чилонзор т. Олмазор кўч. 165-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (21.01.2014 й., реестр № 0114141) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Гафуров Тахир Махмудовичга (ИНН 447284394) тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "SAID-BARAKA-BIZNES" (ИНН 206645445) Чиланзарского р-на сообщает об изменении наименовании в ООО "GRAVITAS LUX" с переходом всех прав и обязательств ООО "SAID-BARAKA-BIZNES" к ООО "GRAVITAS LUX". Тел.: 302-71-77.

Утерянный аттестат № 520533 выданный в 1982 г. об окончании ср. школы № 12 им. Хамида Алимжана Ильичевского р-на Сырдарьинской обл. на имя Бандалетовой Ирины Александровны, считать недействительным.

Тошкент ш. Чилонзор т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (24.06.2005 й., реестр № 001294-08) рўйхатга олинган "SAID KAMOLXON BIZNES" ХКнинг (ИНН 205727224) ташкилий-ҳуқуқий шакли "SAID KAMOLXON BIZNES" МЧЖга ўзгартирилмоқда. Даъволар 966-95-53 тел. рақами орқали қабул қилинади.

ООО "BERGUT SECURITY GROUP" (ИНН 207038273) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского р-на г. Ташкента (реестр № 003689-09 от 29.10.2009 г.) расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Olmazor д. 45, ликвидируется (решение от 23.01.2014 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации объявления.

Тошкент ш. Миробод т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан № 001043-03 реестр рақами билан 25.07.2005 й.да рўйхатдан ўтган "UKRAINKA" МЧЖ устав фонди 16 057 630 сўмдан 4 000 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади. Тел.: 355-00-99.

Жисмоний шахс Усманов Нигмат номига 09.10.2009 й.да 7-509/2009 реестр рақам билан расмийлаштирилган Юнусобод т. Г.Мавлонов кўч. 62-уй манзилида жойлашган ошхона биноси кадастр ҳужжатлари ва гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный диплом № 30008 выданный в 1999 г. Высшей пожарной технической школой Республики Узбекистан (порядковый № 467) считать недействительным.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" ДУК томонидан Гафурова Нигора Тулькиновнага тегишли Олмазор т. Мирпўлатов (Янги олмазор) кўч. 51-уйда жойлашган тиббий санитар қисми объектининг 20.07.2007 й.да 8-262/2007 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган кадастр ҳужжатлари, ТА 0369072 сонли гувоҳномаси, маълумотномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "SHIRINLIK" (ИНН 200643610) зарегистрированное ИРСП Сергелийского р-на (Сергели ул. Сугдиёна-1) г. Ташкента (реестр № 001013-06, 20.10.2006 г.) расположенный по адресу: г. Ташкент Сергели р-н массив Спутник-7 ул. Чинор д. 2 А, сообщает о самоликвидации (согласно протокола собрания учредителей от 21.01.2014 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования объявления по тел.: (+99893) 515-23-90.

"Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банки Бошқаруви жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси банкнинг Қишлоқ хўжалигини кредитлаш департаменти Имтиёзли кредитлаш бошқармаси бошлиғи Дилмурод Абдухалилович Қирғизбоевга падари бузруквори

**АБДУХАЛИЛ ОТА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

▼ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ МУҲАММАД ЮСУФ ТАВАЛЛУДИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

# ЭЛУ ЮРТИМИЗНИНГ ОТАШИН КУЙЧИСИ ЭДИ

**Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда адабиётга, адабиёт аҳлига қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир.**

Мустақиллик йилларида миллий адабиётимизни янада равнақ топтириш, ижод аҳлини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, улар учун қулай ижодий муҳит ва шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини, халқимиз эришган ютуқ ва марраларни юксак пардаларда куйлаган Муҳаммад Юсуф шеърлари кириб бормаган хонадон юртимизда йўқ. Унинг ўзи каби содда ва самимий сатрлари ҳамон шеърият мухлислари томонидан севиб мутолаа қилинади.

Нисбатан қисқа, аммо жўшқин ижодий фаолияти давомида халқ дилига яқин, равон, бетакрор ифода, самимият ва оҳорли ташбеҳларга бой шеърлари билан замонавий адабиётимиз равнақига муносиб ҳисса қўшган Муҳаммад Юсуф нозиктаъб, атрофидагиларга меҳрибон, халқини, туғилиб ўсган юртини, киндик қони томган тупроқни юракдан ардоқлайдиган ғурури баланд инсон эди. Шеърларининг тезда машҳур бўлиб, барчага бирдек ёқиши шундан бўлса эҳтимол.

2004 йили шоир таваллудининг 50 йиллиги муносабати билан Президентимиз қарорига асосан шоир номини абадийлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Андижон шаҳридаги Болалар ахборот-кутубхона маркази, шоир таҳсил олган Марҳамат туманидаги 25-умумтаълим мактаби Муҳаммад Юсуф номи билан юритилмоқда. Мактабда шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини акс эттирувчи музей ташкил этилган.

Марҳаматликлар севимли шоири билан ифтихор қилади, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтириш ишларида ҳам фаол қатнашади. Қовунчи қишлоғидаги Ғиштмозор қабристонида ҳар йили эрта баҳордан тозалаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.



Шоир қабридаги ҳайкал пойига гуллар экилади. Туман ёшлари унинг ижодини ёд билади, дейилса муболаға бўлмайди.

Вилоятда Муҳаммад Юсуф туғилган кунга бағишлаб анъанавий адабиёт кунлари, шеърият кечалари ўтказилади. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан, пойтахтдан ташриф буюрадиган ижодкорлар, назм ихлосмандлари, дўстлари, шогирдлари шоир қабрини, у туғилиб ўсган хонадонни зиёрат қилади, баҳру байт айтишувлари, куй-қўшиқлар кечгача давом этади. Бу Президентимизнинг адабиётга, адабиёт вакилларига бўлган эътибори халқ истаги билан нақадар ҳамоҳанг эканини намоён этади.

Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан вилоят ҳокимлиги томонидан алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Вилоятдаги ахборот-ресурс марказларини шоир китоблари билан бойитиш, Марҳамат туманининг марказий ва ички кўчаларини, шоир хонадони ва у мангу қўним топган маконни, шоир номи билан аталувчи мактабни таъмирлаш, зиё масканларига шоир ҳаётини акс эттирувчи кўргазмали воситалар ўрнатиш шулар жумласидандир. Айни кунларда тумандаги барча таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда шоир ижодига бағишланган кўргазмалар, шеърият кечалари, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Вилоят, хусусан, Марҳамат тумани аҳли ушбу санани муносиб нишонлаш мақсадида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини бошлаб юборган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ва Марҳамат тумани халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган Муҳаммад Юсуф номидаги тўгарак аъзолари фаоллик кўрсатмоқда.

Мазкур тўгаракка уч юз нафардан зиёд адабиётга қизиқувчи ёшлар мунтазам қатнашади. Машғулотлар қизиқарли ва янада мазмунли бўлишини таъминлаш мақсадида атоқли адиблар таклиф этилади. Тўгарак аъзоси бўлган Мусулмон Саид, Фароғат Маматурсунова, Нодира Жўраева, Эъзоза Обиджонова, Зулхумор Орифжонова, Мўътабархон Қорихонова, Беназир Ҳасанхонова каби марҳаматлик ёшлар мамлакатимизда ўтказиладиган турли танлов ва ижодий семинарларда муваффақиятли қатнашиб, устозлар эътирофига сазовор бўлиб келмоқда.

Ватан ва халқ мавзусини ўз ижодининг гултожи сифатида тараннум этган Муҳаммад Юсуфга бешик бўлган Мингтепа аҳли Президентимизнинг шоир таваллудининг 60 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги қароридан руҳланиб, янада улкан мақсадлар билан меҳнат қилмоқда. Халқ суйган шоир юртдошларининг, унга муносиб бўлишни орзу қилган ёшларнинг ифтихори айнан шундандир. Бинобарин, Муҳаммад Юсуф элу юртимизнинг оташин куйчиси эди...

**Хуршида ҚЎЧҚОРОВА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилояти бўлими раҳбари**
**(ЎзА)**

---



# СПОРТ

▼ ФУТБОЛ

## ЎЗПФЛ КУБОГИДА АФРИКАЛИК ФУТБОЛЧИЛАР ЖАМОАСИ ИШТИРОК ЭТАДИ

*Маълумки, мамлакатимизда ҳар йили футбол мавсумининг дастлабки мусобақаси сифатида ПФЛ кубоги ташкил этилади. Қисқа муддатда ўтказиладиган ушбу мусобақа одатда футбол жамоаларимиз учун кўрик, тайёргарлик вазифасини ўтаб беради.*



Маълум бўлишича, февраль ойида Тошкент шаҳри ва вилояти стадионларида ташкил этиладиган жорий йилги мусобақа баҳсларида африкалик футболчилардан ташкил топган жамоа ҳам иштирок этади. Бу ҳақда оммавий ахборот воситаларига бир ойдан бери Тошкентда шуғулланаётган Нигериянинг "Марк Старс" клуби менежери Жерри Эмонкпайри маълум қилган. Бу борада африкаликлар ЎзПФЛ бош директори Фарҳод Магаметов билан ҳам келишувга эришиб улгуришган.

Жумладан, "Марк Старс" жамоаси ўтган ҳафта Тошкентнинг "Оқтепа" футбол клубига қарши назорат ўйинида майдонга тушиб, 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаган. Меҳмонларнинг мақсади – Африкадан яхши савиядаги футболчиларни олиб келиб, ўзбек клубларига жойлаштириш.

Жамоа таркибида жами 30 га яқин футболчи бўлиб, улардан икки нафари Кот д'Ивуар, яна иккитаси эса Ганадан, қолган барча футболчилар нигериялик.

## ЖАМОАЛАРИМИЗ ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ ЙИҒИНЛАРИДА

*Ушбу мавсумда таркибини янада кучайтирган ҳолда чемпионликка даъвогарлардан бўлиши кутилаётган мамлакатимиз Олий лигаси жамоаси "Локомотив" (Тошкент) Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказмоқда.*



Йиғин давомида "Локомотив" навбатдаги назорат учрашувини ўтказди. Бу сафар клубимизга Украина чемпиони "Шахтёр" рақиб бўлди.

Учрашувнинг дастлабки дақиқаларидан бошлаб "темирйўлчилар" рақиб дарвозаси томон бир неча хавфли ҳужумлар ташкил этдилар. Аммо учрашувдаги биринчи голни "кончилар"нинг бразилиялик ҳужумчиси Луис Адриано киритди. Голдан сўнг "Локомотив" яна яхши ҳимояланган ҳолда ўз ҳужумларини ташкил этишда давом этди. Сардор Мирзаев, икки Жасур Ҳасановларда бир неча қулай вазиятлар бўлди. Бўлим сўнгида эса тиниб-тинчимас Иван Нагаев ўз мақсадига эришди. У Каниболоцкий қўриқлаётган дарвозани аниқ нишонга олиб, мувозанатни тиклади.

Иккинчи бўлимда Ҳаким Фузайлов таркибда бир неча ўзгаришларни амалга оширди. Майдонни Ғофуров, Ҳасановларнинг ҳар иккаласи ва Иномов тарк этишди. Уларнинг ўрнига Шерзод Шарипов, Иброҳим Раҳимов, Икром Алибоев ва Салим Мустафоев ўйинни давом эттиришди. Рақибларимиз таркибида ҳам бир неча футболчилар алмашди. Тенг курашлар остида кечган учрашувнинг 77 дақиқасида "Шахтёр" футболчиси кўполлик билан тўхтатиб қолинди, деб ҳисоблаган учрашув рефериси Темур Ғаниев қўриқлаётган дарвоза томон пенальти белгилади. Яна бир бразилиялик футболчи – Тайсон ушбу вазиятдан унумли фойдаланиб, жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди. Шундан сўнг ҳам Карпенко ва Раҳимовда рақиб дарвозасига гол киритиш учун бир неча имкониятлар бўлди, аммо ўйинда ҳисоб бошқа ўзгармади.

Шу кунларда мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони "Бунёдкор" ҳам БААнинг Дубай шаҳрида ўқув-машғулот йиғинини ўтказаётган бўлиб, унинг доирасидаги илк назорат учрашувини Россия премьер-лигаси иштирокичиси "Ростов"га қарши ўтказди.

Миржалол Қосимов бошланғич таркибни 4-4-2 тактикаси асосида танлади. Бу эса "қалдирғочлар"нинг ҳужумкорлигини оширди. Россия премьер-лигаси иштирокичиси дарвозаси томон кетма-кет ҳужумлар уюштирган вакилларимиз қарши ҳужумда жазоланишди. Ўйиннинг 22-дақиқасида Калачёв Бугало қўриқлаётган дарвозага гол киритди – 0:1. 43-дақиқада эса Сардор Рашидов амалга оширган бурчак тўпини Воҳид Шодиев боши билан Плетикоса қўриқлаётган дарвозага аниқ йўллаб, ҳисобни тенглаштирди.

Иккинчи бўлимда Ростов жамоаси таркиби буткул алмаштирилди. "Бунёдкор" эса тўртта ўзгариш қилди. Иккала жамоада ҳам гол киритиш учун талай имкониятлар бўлган бўлсада, 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа сақланиб қолди.

Миржалол Қосимов шогирдлари ушбу йиғин доирасидаги кейинги учрашувини 25 январь куни Москванинг "Динамо" жамоасига қарши ўтказишади.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

---

Навоий Вилояти

**Навоий вилояти давлат солиқ бошқармасининг навбатдаги Кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Унда барча туман ва шаҳар давлат солиқ инспекциялари раҳбарлари, масъул ходимлари иштирок этди.**

## ИСТИҚБОЛ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Кенгаш йиғилишида "Вилоят давлат солиқ хизмати органларининг 2013 йилги фаолияти якунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги 2099-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан 2014 йилдаги устувор вазифалар тўғрисида"ги ҳамда солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда қабул қилиш борасида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилаётган тадбирларнинг натижалари ва келгусидаги вазифалар кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича вилоят солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ва бўлим бошлиқларининг ҳисоботлари тингланди. Ҳисоботларда таъкидланганидек, мамлакатимизда солиқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида тадбиркорлик субъектларига солиқ соҳасида қатор имтиёзлар берилиб, енгилликлар яратилмоқда. Бу эса тадбиркорларнинг ўз фаолиятларини янада ривожлантиришлари, янги иш ўринлари ташкил этиш орқали юрт фаровонлигига ҳисса қўшишлари учун муҳим омил бўлмоқда.

Йиғилишда бу борада йил давомида вилоятда амалга оширилган ишларга чуқур назар ташланиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Абдумутал НОРБОЕВ**

---

Жиззах Вилояти

# ФАОЛ, ФИДОЙИ ФАРИДАХОН

**Жиззах давлат педагогика институти бошланғич таълим педагогикаси факультети ўқитувчиси Фарида Исроилова институтнинг пухта билимга эга бўлган, юқори малакали ўқитувчиларидан бири. Дарсларни ўтиш маҳорати шу қадар жозибалики, талабалар унинг ҳар бир сабоғини сабрсиз кутиб, диққат-эътибор билан тинглашади. Ўтилаётган дарсни мустаҳкамлашга оид савол-жавоблар жараёни эса беихтиёр дилкаш гурунгга айланиб кетади. Айниқса, адабиёт дарслари қизигандан-қизиб, талабалар белгиланган вақтнинг ўтганини сезмай ҳам қоладилар. Муаллиманинг дарслик ва қўлланмаларда ёзилган матнларга қўшимча тарзда шу қадар кўп ҳамда қизиқарли маълумотлар айта олишидан танаффусга чорловчи қўнғироқ ҳам малол келади.**



Фариданинг бошланғич хотин-қизлар ташкилоти раислигидаги фаолияти янада ибратли. У қизларнинг дарсларга қатнашиш ва фанларни ўзлаштиришлари, тартиб-интизоми, кийиниш маданиятини назорат қилади. Дарсдан кейинги пайтларда ҳам ётоқхоналарни айланиб, уларнинг эртанги сабоқларга қандай тайёрланаётганлари, дам олиш соатларини қай тарзда ташкил этаётганлари, ётоқдаги саранжом-саришталикни текширади. Бу жараёнлар ҳам беихтиёр қизларнинг келажак ҳаётга тайёргарлиги ҳақидаги суҳбатларга уланиб кетади. Ахир институт дипломини олувчи ҳар бир қиз вақти келиб, ҳам ўқитувчи, ҳам оила бекаси бўлиши керак-да!

— Мен талаба-қизларимизни малакали мутахассислар қилиб ҳаётга йўллаш билан бирга, уларни оила ва оналикка тайёрлаш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим деб ўйлайман, – дейди Фарида Исроилова. – Бу масалаларнинг ниҳоятда нозиклигини ҳисобга олиб, биз факультетимизда «Дилкашлар» ва «Ораста бўлинг!» тўгаракларини ташкил этиб, уларда қизларга эрта ва яқин қариндош асосида турмуш қуришнинг зарари, келин ва қайнона муносабатлари ҳақида тушунчалар берамиз. Турмуш қурган қизларимизнинг оила аъзолари билан алоқа боғлаб, уларнинг уй-рўзғор шароитини ўрганамиз. Қайнона, қайнота ва турмуш ўртоқларига талабамизнинг ҳеч қандай муаммосиз ўқиб билим олишига тўсқинлик қилмасликларини обдан тушунтирамиз. Бундан ташқари, шаҳарнинг бир неча тадбиркор аёллари билан келишиб, қизларимизга бичиш-тикиш, ошпазлик, қандолатпазлик, зардўзлик, бисер каштачилиги ва бошқа ҳунармандчилик касбларини ўрганишларига ёрдам бераяпмиз.

Факультет хотин-қизлари ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий ва тиббий маданиятни оширишга оид кенг қамровли дастур ҳам амалга оширилмоқда. Ўтган йил давомида талаба-қизлар орасида «Жамият ва мен» мавзусида 10 марта, «Қонунларим — қалқоним» мавзусида 4 марта, «Юртбошимиз ўгитлари» мавзусида 6 марта давра суҳбатлари, «Мустақиллик тақдиримда», «Қадрқимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» мавзуларида 5 марта викторина ва 2 марта тест синовлари ташкил этилди.

Факультет ижодкор қизлари ўртасида ўтказиладиган «Назм ва наср», «Мушоира соати», «Навоийни ўқисам...» номли ижодий мусобақалар, турли спорт мусобақалари талабаларнинг интеллектуал салоҳияти, ижодий қобилияти ва спорт маҳоратини намоён этишларида катта аҳамият касб этаётир. Факультетнинг спортчи қизлари спортнинг 5 тури бўйича институт ва шаҳар биринчиликларида пешқадамликни қўлга киритишди.

Фарида Исроилова эса ўтган йили «Энг намунали хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида биринчи ўринга лойиқ топилди. Бу унинг фаолиятига берилган муносиб баҳо бўлди.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

---

▼ БОЖХОНА НАЗОРАТИ

# «ОҒУ»ЛИ ЖЎНАТМАЛАР

**Дори-дармон воситаларининг олиб кирилишида таркибида психотроп моддалар бўлган дори воситаларига алоҳида ёндашилади. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлда қабул қилинган "Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида"ги 293-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилиши, муомалага киритилиши тақиқланган ва чегараланган психотроп ҳамда наркотик воситалар рўйхати тасдиқланган.**

Шунингдек, ушбу қарор билан психотроп ва наркотик воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва муомалага киритиш тартиби белгилаб қўйилган.

Яъни, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш ва олиб чиқиш, транзит тарзида ўтказишга фақатгина Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бериладиган сертификат ва рухсатномалар асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистонлик божхоначилар томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда "Москва-Душанбе" поезди йўловчиларидан бири — бухоролик Н.Асадованинг қўл юклари божхона кўригидан ўтказилганда, ушбу аёл 29 та "Феназепам" психотроп таблеткаларини яширин равишда олиб киришга уринганлиги аниқланди.

Шунингдек, мазкур "Қорақалпоғистон" темир йўл чегара божхона постида Россия Федерациясидан кириб келаётган йўловчи поездларидан яна бирида хориж фуқароси Л.Семенцов томонидан 150 та "Феназепам" психотроп таблеткалари ва 30 та "Клофелин" таблеткаларининг ноқонуний равишда олиб кирилишининг олди олинди.

Маълумки, Халқаро почта Конвенциясининг 15-моддасига асосан, почта жўнатмалари орқали психотроп ва наркотик воситаларнинг юборилиши қатъиян тақиқланган. Лекин шунга қарамай, сўнгги пайтларда таркибида наркотик ва психотроп моддалари мавжуд бўлган дори воситаларини почта жўнатмалари орасида жўнатиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси "Бошпочтамт" божхона пости ходимлари томонидан бу каби божхона қоидабузарликларига ўз вақтида чек қўйилмоқда.

Жумладан, Исроилдан сирдарёлик Ф.Сулаймонов ва пойтахтлик Л.Гуревичлар номига юборилган почта жўнатмалари амалдаги тартибларга мувофиқ божхона кўригидан ўтказилганда, уларда 154 дона "Клонидин" ва "Оксазепам" психотроп таблеткалари юборилгани фош қилинди.

Шунингдек, мазкур пост ходимлари томонидан АҚШдан юборилган почта жўнатмаларидан бирини божхона кўригидан ўтказиш вақтида 3 турдаги 263 дона психотроп таблеткалар амалдаги тартибларга зид равишда юборилгани маълум бўлди. Пойтахтлик М.Гриберг номига келган мазкур жўнатмада, шунингдек, 6 турдаги 474 дона бошқа дори воситалари ҳам юборилган экан.

Рақамларга мурожаат қилсак, ўтган 2013 йил мобайнида республикамиз божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 127 та қонунбузарлик ҳолатларида 8,8 минг донадан ортиқ психотроп таблеткаларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

**Давлат божхона қўмитаси**
**Матбуот хизмати**

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-122, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.00
26917 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5